

»» Президент

ФУТБОЛ – МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ



Астана шаҳрида ўтган Дунёвий сармоялар бўйича VI Қозоғистон учрашуви доирасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан муҳим меморандумлар имзоланди.

Тадбирда жаҳон бизнес ва молия соҳаси вакиллари ҳамда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смайлов иштирок этди.

Учрашувда Шимкент шаҳри ҳокимлиги икки хорижий компания билан умумий қиймати 662 миллион АҚШ долларига тенг меморандумни имзолади.

Биринчисига кўра, Туркиянинг йирик «Alarko Holding» компанияси шаҳар ҳудудида янги шаклдаги иссиқхона мажмуасини куради. 650 миллион АҚШ доллари миқдоридида амалга ошириладиган сармоявий лойиҳа босқичма-босқич жами 500 гектар майдон-

Тўлебий туманида анъанавий «Олтин куз» байрами нишонланди. Тадбир муносабати билан Ленгер шаҳрининг марказий майдонида ташкил этилган ярмаркада озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилди, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ва бошқа ютуқлар намойиш этилди.

Шаҳар маданият уйи олдида тантанали йиғилиш ўтди, туман ҳокими Тўлеген Телғараев бир гуруҳ илғорларни ҚР қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Меҳнат фахрийси» медали, туман ҳокимининг ташаккурномаси билан тақдирлади ва соҳада эришган муваффақиятлари учун қишлоқ ҳокимларини ғалаба билан табриклади.

Туман агросаноат мажмуасида тараққиёт кўрсаткичлари ижроси бўйича дастлабки учликка кирган

ЭНГ ЙИРИК ИССИҚХОНА МАЖМУАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ



да 5 минг янги иш ўрни яратиш, янги технологияларни жорий этиш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги ва иссиқхона бизнесини ривожлантиришга кўмак беради.

Иккинчисига кўра, Туркиянинг «İŞIKLAR PACKAGING Ltd» компанияси қадоқлаш қоғози ишлаб чиқарадиган завод куради. Лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳар икки лойиҳа ҳам минтақавий барқарор тараққиётни таъминлаш, сармояларни жалб этиш, шаҳар иқтисодиётини ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Егемен Қазақстан».

24.kz.

«ОЛТИН КУЗ» – ОЛТИН ЛАҲЗАЛАР



қишлоқ ҳокимларига мукофотлар топширилди. 1 Мамир қишлоғи биринчи, Киелитас қишлоғи иккинчи, Қўксаёқ қишлоғи учинчи ўринни эгаллади.

Тўлебий туманида жорий йилда 65636 гектар майдонга қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб,

44652 тонна ғалла, 12991 тонна мойли экинлар, 23293 тонна картошка, 31610 тонна сабзавот, 90950 тонна ем-хашак йиғиб олинди.

Тадбирда туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров, туман фахрийлар кенгаши раиси

Атирхан Шинғисбаевлар қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга фаол ҳисса қўшиб келаётган илғор агросаноат тузилмалари раҳбарлари ва вакиллари ташаккурномалар топширди.

Б. ДЎСМАТОВА.

»» «Жанубий Қозоғистон» – ҳар бир хонадонга!




НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

А. НАВОИЙ НОМЛИ МАКТАБДА

Сўзоқ тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Муҳаммадҷон Бобоевнинг саъй-ҳаракатлари билан Сўзоқ қишлоғидаги Нурмуҳаммад Болтабоев раҳбарлик қилаётган А. Навоий номли мактабнинг кутубхона ходимлари Фатима Айдарова ҳамкасби Дилноза Татенова ила обунани ташкил этаётган кенг китобхоналар залида фахрий устозлар Мақсуда Файзуллаева, Акбар Асенов, Марат Ушибаев, Биби-сора Бобоева, Соҳибжамол Шалова, касаба уюшмаси раиси Иса Аметжанов, коллеж директори ўринбосари Руслан Отажонов билан мулоқотда бўлди.

(Давоми 4-бетда).

6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ХЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Ҳайсам бин Ториқ ал Саидни Уммон Қироллиги миллий куни билан табриклади.

“Бугунги кунда Уммон жадал ривожланаётган иқтисодиётига ва мустаҳкам сиёсий мавқега эга халқаро ҳам-жамиятнинг нуфузли аъзоси ҳисобланади. Минтақавий бирлик, яхлитлик ва тинчликпарварлик байроғи остидаги мамлакат сизнинг доно раҳбарлигинингизда келгусида ҳам юксак марраларни забт этишини тилайман”, дейилади табрикномада.

Давлат раҳбари Ҳайсам бин Ториқ ал Саидга бундай масъулиятли фаолиятида муваффақият, қардош Уммон халқига фаровонлик тилади.

Akorda.kz.

»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил



Қозоғистон – ягона Ватанимиз. Унинг пойдевори мустаҳкам, иқтисоди юксак бўлиши ҳам ўз кўлимизда. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бепоён заминни асраб-авайлаш ва ривожлантириш фарзандлик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини ушбу муқаддас бурчага содиқ бўлишга чақираман. Ҳамжиҳатлигимизни асраб-авайлаб, меҳнат қилсак, она заминимизни обод қилиб, уни тараққий этган давлат сифатида келажак авлодга етказсак, бу аждодлар меросига содиқликдир!

Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ.

Истиқлол Ватанимизнинг руҳига афсонавий қудрат ато этди. Минглаб зиё ва фикр булоқларининг кўзи очилди. Мана, бизга фуқароси бўлиш бахти насиб этган келажаги буюк давлат мустақиллигининг 32 йиллигини қалбимиз тўла ифтихор ҳислари билан байрам қиладиган кун ҳам яқин. Абадийат дунёсининг бир дақиқаси ҳисобланмиш истиқлолнинг 32 йили иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда серҳосил йил бўлди.

Муҳими, 32 йиллик тарих ортага қайтиш асло мумкин эмаслигини кўрсатди. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ўзини Ватанининг ажралмас бир қисми деб ҳис этган юртининг ҳар бир асл фарзанди юртбошимиз атрофида элнинг тинчлиги, тотувлигини, бахтли келажагини қарор топтириш мақсадида янада мустаҳкамроқ бирикмоқда, ўз кучига, қудратига ишониб, бунёдкорлик фаолияти билан нурафшон келажак сари дадил қадамлар билан бормоқда. Бундан ҳам улугроқ ифтихор бўлиши мумкинми?!

Мустақиллик халқимизнинг улкан ғалабаси, бахти. Бу ғалабани бўҳронлардан сақлашимиз, мустаҳкамлашимиз керак. Мустақиллик инсонда мағрурлик, ўз-ўзини билиш, қадрлаш ҳис-туйғуларини уйғотувчи сиёсий ҳодиса. Бу туйғу кийинчилик билан кўлга киритилган мустақилликни ҳар соҳа бўйича мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, уни оддий ҳаёт тарзига айлантириш учун хизмат қилмоғи лозим. Шу ваздан ҳам мустақиллик бизнинг кечаги, бугунги ва эртанги кунимиздир.

Мустақиллик шароитида юртимиз маънавий бойликлари тиклаш ва уни қамол топтириш, илму фаннимиз, адабиётимиз ва санъатимизни умумбашарий майдонга олиб чиқиш, қадимдан ҳудудимиз халқларига хос бўлган, катта ҳарфлар билан ёзилган одамгарчилигимиз, инсонпарварлигимиз янги мазмун билан бойитилиб, эл-юрт ҳавас қилса арзигулик даражага кўтарилмоқда.

Баркамолликка даъвогар халқгина мустақиллик медаларидан баҳраманд бўлишга лойиқдир.

“Агар биз адолатли Қозоғистонни яратмоқчи бўлсак, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ўзи етарли эмас. Энг муҳими, жамоатчилик онгини, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ўзгартиришдир. Бусиз қолган барча ишлар бефойда. Мен Миллий курултойнинг иккинчи йиғилишида бу ҳақда фикр билдирдим.

Мамлакатимиз учун миллатнинг янги сифатини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Барча юртдошларимиз, айниқса, ёшлар энг яхши фазилатларни сингдириши керак. Буларнинг барчаси бирилашиб, ягона ижтимоий қадриятлар тизимини шакллантиради.

Агар ҳар бир инсон ватанпарвар, билимли, меҳнатсевар, интизомли, ҳалол, адолатли, тежамкор ва меҳр-оқибатли бўлса, биз забт этолмайдиган доволар бўлмайди”, деди Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев “Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши” номли Мақтубида.

Ватанпарварлик – миллий манфаатларни, миллат тақдирини ва истиқлолни чуқур ўйлаш ва англаш билан боғлиқ бўлган маънавиятдир. Кишиларида ватанпарварлик туйғуси қанчалик теран бўлса, мустақиллик ҳам шунча барқарор бўлади. Ватанпарвар кўзи ҳозирги мураккаб даврда ҳам бугунги кундан кири эртангига мураккаб ишонади, у ҳақда ўйлайди.

Қозоғистон – 20 миллиондан ошган барча ҳамюртларимизнинг Ватанидир. Шуқуҳли айём арафасида республикамизнинг фарахбахш бугунги кунин билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу буюк давлатларини фуқароси, зиёлиси, эгаси, бу йўлда фақат ақлу иродасини эмас, бутун умрини унга фидо қилишга тайёр бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ЛОЙИҲАЛАРИ

Вилоятимизда Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда мамлакатимизда муқобили бўлмаган лойиҳалар амалга оширилади. Хусусан, IT соҳаси мутахассисларини тайёрловчи техника олий ўқув юрти, шунингдек, пахта кластерини ривожлантириш йўналишидаги янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди олим, 2007 йилги Нобель мукофоти лауреати Рае Квон Чунг билан учрашиб, истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилди. Кореялик олим “яшил” энергетика соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳаларни ҳам тақлиф қилди.

Нобель мукофоти лауреати ўқув дастуридан ташқари “яшил пахта” лойиҳасини амалга оширишни тавсия қилди. “Ақлли лойиҳа” 60 фоиз сувни тежайди ва йилига 2-3 марта пахта ҳосилини олиш имконини беради.

Учрашувда яна бир ўзгача лойиҳа муҳокама қилинди. Кореялик олимнинг айтишича, дунёда муқобили бўлмаган Корея Республикасида мавжуд шамол электр станциясини Туркистон вилоятида ҳам қўллаш мумкин. Иншоотнинг баландлиги – 100 метр. У табиатга зарар етказмайди ҳамда сайёҳларнинг эътиборини тортиши табиий.

Учрашув поёнида томонлар лойиҳаларни атрофлича муҳокама қилиб, ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олишди. Вилоят раҳбари Туркистон минтақасида амалга оширилаётган лойиҳалар тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

ҚИШЛОҚ ОБОД – ЮРТ ОБОД

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида Ўрдабоши туманининг ижтимоий-иқтисодий тарақиётига бағишланган мажлис ўтди. Туманга махсус ташриф буюрган ҳоким мутасадди бошқармалар раҳбарлари ҳамда туман ҳокимига режадаги ишларни жадаллаштиришни топширди.

– Жорий йилда 6та сармоявий лойиҳани амалга ошириш топширилган эди. “Ордабасы Сапар” маркази ва “PZN” компаниясининг газоблок маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бугунги кунгача амалга оширилмади. Туманга сармоя жалб қилиб, янги завод ва корхоналар очил лозим. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида тўлланиб қолган масалалар бор. Сўнгги йилда фойдаланишга топширилган инфратузилма иншоотларида аниқланган камчиликлар борасида ахборот беринглар, – дея Дархан Сатибалди раҳбарлар зиммасига қатор вазифалар юкляди.

Мажлисда туман ҳокими Азат Ўралбаевнинг ҳисоботи тингланди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Ўрдабоши туманига иш сафари чоғида алюминий профиль буюмлари ишлаб чиқарадиган “GOLDALUMINIUM” МЧБ фаолияти билан танишди. Минтақа раҳбари тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Йиллик қуввати – 10 минг тоннага тенг лойиҳа “Бадам” индустриявий ҳудудида амалга оширилмоқда. Сармоявий қиймати 3 млрд. тенгелик лойиҳанинг қурилиш-монтаж ишлари ўз маблаг ҳисобидан олиб борилиб, жорий йил давлат қабулидан ўтди. Корхона йил сўнгига қадар ишга туширилиб, 100 янги иш ўрини очилади. Заводда рангли ва рангсиз алюминий профиллари ишлаб чиқарилади.

Ўрдабоши туманида ўтган “Очиқ эшиklar” куни минтақа раҳбари 20дан зиёд фуқарони қабул қилди. Мажлисда ҳуқуқ-тартибот соҳалари ҳамда вилоят бошқарма раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Шахсий қабулда фуқаролар асосан инфратузилма, ер муносабатлари, ижтимоий масалаларни кўтарди.

Чунончи, Аққўйли овули учун яйлов керак, қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизиш ва ичимли сув, табиий газ билан таъминлаш масалалари кўтарилди. Яна бир фуқаро грант олиш масаласида савол берди. Бундан ташқари,

манзилли ижтимоий ёрдам тайинлаб, фарзандини ногиронликка чиқаришни сўраган онанинг масаласи тегишли мутахассисларга йўлланди.

Маданият, Жулдиз, Ақпан, Интимак ва Сариярқа, Қўқтўбе қишлоқларига табиий газ киритиш масаласи юзасидан ҳам савол берилди.

Умуман, вилоятда фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар доимий назоратга олинган. Шахсий қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларини тинглаган вилоят ҳокими масалаларни тегишли соҳа раҳбарларига қонун доирасида имкон қадар ижобий ҳал қилишни топширди.

ОАВ – ислохотлар даврида

Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетиди “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” қонун ва журналистика тақдири” мавзусида медиаанжуман ўтди.



МАРДЛАР ҚҶРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

ҚР Қуролли кучларининг мақоми ва мавқеини ошириш ҳамда ёшларга ҳарбий хизматни тарғиб қилиш мақсадида Туркистон вилоятида ҚР Миллий Гвардия ҳарбий бўлимларига ёш аскарларни тантанали кузатиш маросими ўтди.

Тадбирда Туркистон вилояти бўйича Афғон уруши фахрийлари ва ногиронлар кенгаши раиси Турганбек Бегимов, вилоят мудофаа ишлари бўйича департаменти бошлиғи ўринбосари Жандўс Қулдербаев, Туркистон шаҳри ва Саврон туманининг мудофаа ишлари бўйича бириктирилган бошқарма бошлиғи, полковник Дилмурад Нуржанов ва бошқалар иштирок этишди. Тадбир поёнида ҚР Миллий Гвардиянинг 6506-сонли ҳарбий бўлимининг оркестри ва Туркистон шаҳар маданият уйининг санъаткорлари ҳарбий хизматга қақирилган ёшларга бағишланган концерт дастурини тортққ этди.

ИБОДАТХОНА ТАЪМИРЛАНДИ

Сариоғоч туманида марказий масжид тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ибодатхона 1500 одамга мўлжалланган. Таъмирлаш ишлари замон талабига мос олиб борилди.

Иншоотнинг очилиш маросимида Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, Бош муфтий Науризбай ҳожи Тағанули, туман ҳокими Арман Абдуллаев, тўбе бий Раҳимберди Ўспанов аҳолини табриклаб, рамзий тасмани қирқди. Шунингдек, тадбирда қишлоқ фаоллари, вилоят, туман маслаҳати депутатлари иштирок этди.



»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил

Истиқлол куёғи норчасин манғу!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик халқимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассам қилган қадрият сифатида, биринчи галда мамлакатимиз фуқаролари сиёсий фаолиятининг, демократик жараёнларнинг ҳам натижаси, айни вақтда бу жараёнларни такомиллаштиришнинг замини ҳамдир. Мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий қадрини мустақамлаш учун юртимизда кўппартиялилика, демократик фаолиятга, партиялараро мулоқотга кенг йўл берилди. Халқнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган барча тадбирлар Конституцияга асосланиб, қонун доирасида олиб борилмоқда. Бу борада Президент “Янги иқтисодий сиёсатнинг тамойиллари ва устувор йўналишларини аниқ белгилаш билан бирга, белгиланган ислохотларни сифатли ва тўлиқ амалга ошириш жуда муҳим. Унинг муваффақияти бевосита давлат хизматчиларининг малакаси, масъулияти ва сиёсий иродасига боғлиқ”, деди қозоғистонликларга йўллаган Мақтубида.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Агар биз адолатли Қозоғистонни яратмоқчи бўлсак, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ўзи етарли эмас. Энг муҳими, жамоатчилик онгини, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ўзгартиришдир. Бусиз қолган барча ишлар бефойда. Мамлакатимиз учун миллатнинг янги сифатини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Барча юртдошларимиз, айниқса, ёшлар энг яхши фазилатларни сингдириши керак. Буларнинг барчаси бирлашиб, ягона ижтимоий қадриятлар тизимини шакллантиради”.

Умуминсоний қадриятларнинг ажралмас қисми бўлган миллий маънавиятимиз ўтмиш, бугунги кун ва келажакнинг узвий бирлигидан иборат бўлган ҳодисадир. Унда маънавий меросни тўла, оқиллона эгаллаш ва ривожлантириш ҳозирги авлодларимизнинг муқаддас бурчидир. Чунки масала бой маданий, маънавий меросга эга бўлишдагина эмас, балки уни астойдил эгаллаб, жамки давр маънавияти билан боғлаб, янги тарақиёт босқичига кўтаришдадир.

Ўз маданий меросини билмаслик ёки уни назар-писанд қилмаслик ноқўрликдир. Ўз маданиятини юксакликка кўтаришга интилмаслик, жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиб, миллий маданиятга янги мазмун олиб киришга интилмаслик, миллий маданият равнақига ўз ҳиссасини қўшмаслик мустақиллик, истиқлол олдида жиноятдир. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқлол, ҳақиқий мустақиллик учун курашга ўзида куч-қудрат топа олади ва бу келажаги буюқ давлатнинг қарор топишига олиб келади.

Мана шу жиҳатларни эътиборга олган давлатимиз раҳбарлари бундан беш йил муқаддам июнь ойда Туркистон вилоятини ташкил этиш тўғрисидаги фармонини имзолади. Туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳри вилоят мақомига эга бўлди. Шу зайлда Туркистонда тарақиёт палласи бошланди.

Туркистоннинг вилоят марказига айлантирилиши – Мустақилликнинг, барқарорлик ва тинчликнинг меваси. Вақти келиб, Туркистон ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ютуқлари, заҳматкаш ва меҳмондўст одамлари, билимли йигит-қизлари билан тилларда дoston бўлишига ишончимиз комил.

А. АБДУФАТТОҲ.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТАБИЙ ГАЗДАН БАҲРАМАНД БЎЛМОҚДА

Вилоятимизда аҳоли манзилларини инфратузилма билан тўлиқ таъминлаш йўналишидаги ишлар жадал амалга оширилмоқда. Чунончи, Ўрдабоши тумани, Тўрткўл қишлоғида табиий газ тақсимлаш иншооти фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг қувончини баҳам кўриш мақсадида Тўрткўлга ташриф буюрган вилоят ҳокими Дархан Сатибалди маҳаллий фуқароларни кутлади.

Ўрдабоши туманида 57та аҳоли манзилининг 9та-си табиий газ билан таъминланган. Таъминлаш даражаси – 21,6 фоиз ёки 25568 одами ташкил қилади. Яқин кунларда Қорақум қишлоғида ҳам табиий газ иншооти қурилиши ниҳоясига етказилиб, 3536 аҳоли “зангори олов” билан таъминланади. Қолган 11та аҳоли манзилни 2024 йилда табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган.

ЯНА БИР МУҲТАШАМ ИНШООТ

Арис шаҳрида сахий инсонлар ҳомийлигида кўркам ва муҳташам масжид очилди.

200 одамга мўлжалланган масжиднинг тақдирот маросимида Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, Бош муфтий Науризбай ҳожи Тағанули, Арис шаҳри ҳокими Гулжан Қўрманбекова, масжид қурилишида иштирок этган тадбиркорлар, қишлоқ аҳли ва меҳмонлар иштирок этди.

Бош муфтий янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши билан арисликларни табриклаб, масжидга Қуръон китобини ҳадая қилди.

Янги масжид қошида 300 болага мўлжалланган “Ёз Тёуке хан” қорилар тайёрлаш маркази (ётоқхонаси билан) фаолият юритади, спорт мажмуаси, таълим берувчи устозларга мўлжалланган 6та хизмат уйи, меҳмонхона, шунингдек, 300 ўринли қизлар мадрасаси мавжуд.

>>> Обуначиларимиз орасида

ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ – ФАХРИМИЗ!

Саврон туманига қарашли Янги Иқон қишлоғи шу заминда киндик қони томган доврқли шоир, олимлари, фан арбоблари ҳамда турфа соҳада иқтидорли меҳнати ила шуҳрат қозонган нуфузли фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Янги Иқон қишлоғида туғилган, Тошкент шаҳрида яшаб меҳнат қилаётган 85 ёшдаги етук олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Хусан Мамедов шундай фахрли ҳамқишлоқларимиздан.



Хусан Мамедов Совет Армияси сафидаги ҳарбий хизматдан сўнг 1960 йили Тошкент шаҳридаги тўқимачилик комбинатида оддий ишчи бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. Меҳнат баробарида тинимсиз ўқиб изланди ҳамда кириш имтиҳонларини Тошкентда топшириб, Москвадаги Г. В. Плеханов номидаги халқ хўжалиги институтида тахсил олди. 1967 йили институтни аълога тамомлаб, Ўзбекистон Республикаси аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигида катта иқтисодчи бўлиб ишлади. 1972 йили М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг иқтисодиёт факультети аспирантурасида ўқишни давом эттирди.

Орадан тўрт йил ўтгач, “Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ва режалаш масалалари Ўзбекистон ССР мисолида” мавзuida иқтисод фанлари номзоди олимлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олим сифатида меҳнат фаолиятини давом эттириб, Тошкент фармацевтика институтининг ижтимоий фанлар кафедрасида катта ўқитувчи лавозимда меҳнат

қилди. 1989 йили Москвадаги М. В. Ломоносов номидаги Давлат университети иқтисодиёт факультетининг махсус илмий кенгашида “Иттифоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни ҳудудий режалаш (Ўзбекистон маълумотлари асосида)” мавзuida докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1991 йилдан ушбу кафедранинг мудир, сўнгра профессор лавозимда самарали хизмат қилиб келмоқда. Шу йиллар давомида 80дан зиёд босма тобқ ҳажмда турли илмий мақола ва тезислари нашр этилди. Хусан ака жами 286 босма тобқдан зиёд илмий асарлар муаллифи.

Оила – муқаддас кўрғон. Профессор Ҳ. Мамедов умр йўлдоши Лидия Карповна би-



лан муштарак ҳаётлари давомида ўзи каби илм йўлини танлаган қобил фарзандлар тарбиялади. Тўнғич ўғли Андрей Москвадаги Г. В. Плеханов номидаги халқ хўжалиги институти, кенжа ўғли Марат эса Тошкент халқ хўжалиги институтини муваффақиятли тамомлаб, бугунги кунда Москва шаҳрида истиқомат қилади.

Яқинда Тошкент шаҳрига сафарим чоғида мақолаимиз қаҳрамони билан бирга ички ишлар соҳасида меҳнат қилган полиция подполковниги Валихон Мавлонов, “Тошсельмаш” корхонасига раҳбарлик қилган собиқ директор, бугунги кунда нафақадор Ўткир Сайфуров, фахрий устозлар Ботирхон Нурметов ҳамда Адҳам Искандаров каби ҳамқишлоқлар билан дийдорлашиб, суҳбатлашдим. Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ҳамкорлиги, маънавиятимиз минбари “Жанубий Қозоғистон” нашри ҳақида фикр алмашдик.

Ўсар НЕЪМАТУЛЛАЕВ, фахрий устоз, Янги Иқон қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Суратларда: иқтисод фанлари доктори, профессор Хусан Мамедов; янгиқонлик зиёлилар Тошкент шаҳрида Хусан ака билан учрашуви чоғида.

P.S.

“Ҳақиқатга бошловчи энг тўғри йўл – илм йўлидир” таълимоти муаллифи Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг замондоши Ошиқ Юсуф отанинг “Олиму фозилларга бир неча кун хизмат қилган мусулмонлар етти минг йиллик тоат-ибодат савобига дохил бўлади”, деган тарихий ҳикматли нақли илм-фан ҳамда шу соҳа соҳибларига берилган юксак баҳодир. Муҳтарам олим ҳамқишлоғимиз, 85 ёшда ҳам фан оламида фаоллик билан меҳнат қилаётган фахрий профессор Хусан Муҳаммад ўғлига мустаҳкам саломатлик, ижодий омад ҳамда саодатлар тилаймиз.

ГРАНТ СОҲИБЛАРИНИНГ УСТОЗИ

Келес туманидаги 13 сонли Т. Бигелдинов номидаги умумтаълим мактабидаги Раҳимжон Исмоилов 23 йилдан буён кимё фанидан дарс беради.

Сўнгги ўн йилда ушбу мактабнинг 4000га яқин ўқувчиси грант соҳиби бўлди. Малакали педагог қўшимча билим бериш марказида ҳам дарс беради. Уни қўшни туманлардан излаб келадиган ўқувчилар ҳам бор.

Таъкидлаш жоизки, малакали педагог шоғирдларининг аксарияти Алмати шаҳридаги С. Асфендияров номидаги ҚозМТУ, Қарағанди Давлат универ-

ситети, Шимкентдаги Жанубий Қозоғистон тиббиёт академиясида таълим олишмоқда. Унинг муаллифлигида яқинда 7-8 синфлар ва 10-синфларга мўлжалланган “Кимё фанидан тестлар жамланмаси”, “ЯМТга тайёргарлик” услубий қўлланмалари чоп этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



>>> Эллик йилда – эл янги

Вилоятимиз пахта далаларида жорий йилнинг терими якунланмоқда. Унинг ўзгачалиги – ҳосил терим агрегатлари ёрдамида тўпланди.

Қўл теримдан фойдаланилмади. Ҳолбуки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарига қадар вилоятимиздаги барча туман, шаҳар мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, техникум ва институтларининг кўп минг сонли талаба ва ўқувчилари пахта теримида мажбурий иштирок этарди. Сентябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб декабрь ойига қадар ўқишлар тўхтаб, талаба-ўқувчилар давлат даъватига биноан мажбурий тарзда пахта теримига сафарбар этиларди.

Мавсумда иштирок этганлар далалардаги жазирама қуёш иссиғи, куз изгиринидаги жисмоний меҳнат завқи, нонушта-тушликка бериладиган повидло

“ОҚ ОЛТИН” ТЕРИМИ ТАРИХИДАН



билан қора нон, икки маҳал макарон шўрва ҳамда алюмин флягаларда тарқатиладиган иссиқ чой таъмини яхши эшлашди. Қуёшда қорайиб, меҳнатда тобланган ёшлар теримдан сўнг дарҳол ўқишни бошлаб юборишарди. Ҳар ўн кунликда терим якунлари сарҳисоб қилиниб, барча расмий давлат газеталарида “оқ олтин” режаси қанча фоизга бажарилган ҳақида ахборот бериб бориларди. Тартиб-интизом вилоят, шаҳар, туман коммунистик партия органлари томонидан қатъий назорат қилинар эди.

Ушбу суратда 1982 йили Туркистон шаҳридаги А. Навоий

номли мактаб жамоаси – директор Муҳаммадрайим Абдураунов, ўқитувчилар Саидмаҳкам Акбаров, Абубакир Алибоев, Тошпўлат Абдурахмонов ҳамда оқори синф ўқувчилари пахта хирмони устида акс эттирилган (архивдан олинди). Тасвирдаги ўқитувчилар бугун ораимизда йўқ, ўқувчилар эса турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Эллик йилда эл янги, деганлари шу бўлса керак. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, пахта теримида ўқувчи ва талабаларнинг меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Туркистон вилоятининг “Жанубий Қозоғистон” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҳисобчи Қадриша Арслановага волидаи муҳтарамаси

Калипа САДИРБЕК қизининг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

>>> Маърифат ва маънавият

ҚОРАБУЛОҚДА ЎТГАН НУФУЗЛИ ТАДБИР



Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги Маданият уйида вилоят мақомидаги «Чашма» ижодий уюшмасининг 35 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтди. Унда вилоятимизга, республикаимизга таниқли, шунингдек, ўзбекистонлик кўплаб ижодкорлар иштирок этишди.



Дастлаб “Чашма” ижодий уюшмаси фаолияти ёритилган видеолавҳа намоиш этилгач, суҳандон Ёркиной Тўхтарова сахнага уюшма раҳбари Абдурауф Абдуғаффорни таклиф этди. У тарихга назар ташлаб, ижодий уюшманинг ташкил топиши ва шаклланиши ҳақида сўзлади. Дарҳақиқат, 1987 йили Манкент қишлоғида таш-

верситети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа (PD) доктори Ёрмуҳаммад Мадалиевга Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академияси академиги, шунингдек, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Соатой Камолова, ижодкорлар Абдурауф Абдуғаффоров ҳамда Иброҳим Хуккиевларга



кил этилиб, 2003 йили вилоят мақоми оланган уюшма бугунги кунда ўзига хос нуфузга эгадир.

Жумладан, қўшни Ўзбекистондан ташриф буюрган адабиётшунос олим, профессор Адҳамбек Олимбеков ва шоир Абдулла Вахшиворий “Чашма”нинг қозқ-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришдаги хизматига юксак баҳо бериб, ижодкорларни самимий қутлашди. Сўнг меҳмонлар адабий алоқаларни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон уни-

вирситети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа (PD) доктори Ёрмуҳаммад Мадалиевга Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академияси академиги, шунингдек, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Соатой Камолова, ижодкорлар Абдурауф Абдуғаффоров ҳамда Иброҳим Хуккиевларга

вирситети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа (PD) доктори Ёрмуҳаммад Мадалиевга Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академияси академиги, шунингдек, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Соатой Камолова, ижодкорлар Абдурауф Абдуғаффоров ҳамда Иброҳим Хуккиевларга

шунингдек, Қ. Сатпаев номли мактаб ўқувчиларининг чиқишлари, Хушноза Абдурауфова-нинг Р. Ҳайтеновга бағишлаб ўқиган муашшаҳи, халқ қолғу асбоблари дастаси аъзолари Ирисмат Абдураулов, Мурод Нажмиддинов, Дилмурод Курбоналиев ижро этган қуйлар тадбирга фазл киритди.

Байрам тадбири “Неъмат ота” чойхонасида ёзилган фазл дастурхон атрофида давом этди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

»» Хушхабар устига хушхабар

МАКТАБ – КЕМА, БИЛИМ – ДЕНГИЗ

Таълим бериб – тарбияла, тарбиялаб – таълим бер, тамойили амалдалиги даврида ўсиб, камол топганлар ушбу жумлалар мазмун-моҳиятини яхши англашади.



Миллат минбари аталмиш «Жанубий Қозоғистон» газетаси саҳифаларида таълим муассасаларига янгидан тайинланаётган раҳбарларни элга таништириб бормоқдамиз. Кимнинг кимлигини билганимиз яхши. Ахир, эл-юрт тараққиёти, ёшлар камоли, келажамиз порлоқ бўлишига, жамиятда тотувлик, маънавият ва маърифат, эзгулик тантанасига ҳисса қўша оладиган билимдон, рақобатбардош мутахассисларга таълим муассасалари раҳбарлиги топширилмоқда. Сайрам туман таълим бўлими қатор мактабларга янги директорларни тайинлади. Жумладан, Қорабулоқ қишлоғидаги Фурқат номли умумий ўрта мактаб директори этиб Баҳодир Эргешов тайинланди.

Баҳодир Йўлдош ўғли 1980 йилда таваллуд топган. Фурқат номли ўрта мактабда таълим-тарбия олган. Сўнг олий ўқув юртида таҳсил олган.

Ушбу мактабда меҳнат фаолиятини бошлаб, оддий муаллимликдан илмий мудириликкача бўлган босқичда вазифасини муваффақиятли адо этиб, билим ва тажриба тўплаган мутахассис.

Шунингдек, «Қайнарбулоқ» умумий ўрта мактаби туманининг Орис қишлоғи ҳудудида жойлашган.



Эндиликда ушбу қишлоқдаги 89-сонли умумтаълим ўрта мактабига Салоҳиддин Анортеев раҳбарлик қилмоқда.

Салоҳиддин Ирисдавлат ўғли 1973 йилда таваллуд топган.

У биология ва география ўқитувчиси мутахассислигини Ўзбекистондаги ОТМда олган ва 1996 йилдан меҳнат фаолиятини бошлаган. С. Анортеев номли 89-сонли «Қайнарбулоқ» мактабига муаллим, директорнинг ўринбосари лавозимида ишлаб, ташкилотчилик қобилиятини намойён эта олди. Таълим соҳасида эришган муваффақиятлари туфайли қатор Фахрий ёрлик ва мукофотлар соҳиби бўлган.

Қорабулоқ қишлоғидаги «Оқсув» умумий ўрта мактабини Муроджон Шоимов бошқармоқда.

Муроджон Исмаилов ўғли 2011 йилдан буён таълим соҳасида баракали фаолият



юритмоқда. Янги лавозимга тайинлангунга қадар тарихи улуг Ҳамза номли умумий ўрта мактабда илмий мудири вазифасини муваффақиятли адо этган.

М. Шоимов 1981 йилда таваллуд топган. Ўрта мактабини тамомлагач, дастлаб «Шымкент» университетига «Бухгалтерлик ҳисоб ва аудит» сўнг тарих фани муаллими мутахассисликларини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини Орис қишлоғидаги М. Анортеев номли мактабда бош ҳисобчи лавозимида бошлаган. 2010-2011 йилларда Сайрам туман таълим бўлими ҳисобчиси бўлиб ишлаган.

Масъулиятли вазифа қутлуг ва муборак бўлсин, қадрли раҳбарлар!

Азизлар, яна бир жиҳатга эътибор қаратайлик. Лавозим эгалари миллат минбари – «Жанубий Қозоғистон» газетасининг равақ-ривожига баракали ҳисса қўша оладиган шахслар... Бунга аминимиз.

«Жанубий Қозоғистон»
муҳбири.

»» Обуначиларимиз орасида

А. НАВОИЙ НОМЛИ МАКТАБДА



(Давоми. Боши 1-бетда).

Аввалги учрашувимизда устозлар томонидан дарсликлар ва боғчаларда ўзбек тилида гуруҳлар ташкил этиш борасидаги билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ва-зирлик даражасида мутасадди раҳбарлар эътиборига ҳавола қилинганини баён этиб, келаси ярим йиллик обунасини уюшқоқли ташкил этишни сўраниб, тахририят номидан битилган мактубини тақдим этдим. Директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Султонбой Рўзметов билан мактаб мажлислар залида 36 йиллик меҳнат тажрибасига эга устоз Дилбар Бектемирова ташкил этган бошланғич синфлар иштирокидаги «Саховатли олтин куз» тадбирида катнашдик. Кенг залнинг бир деворига Абай Қунабаев, иккинчиси эса унинг устози Алишер Навоийнинг билим, устоз ҳақидаги ҳикматлари битилган.

2015 йили Сўзоқ туманининг фахрий фуқароси, фаол жамоат арбоби Рисбой Абдурахмоновнинг вилоят, республика даражасидаги ташкилий саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган янги кўп қаватли муҳташам мактаб ҳовлисида буюк бобомиз А. Навоийга ўрнатилган ёдгорлиқни кўриб, сўзқоқликларнинг ҳимматига ҳурматим орт-



ди. Ёдгорлик ёнида мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, ҳар бир сафаримизда ҳамроҳлик қиладиган, газетамизнинг фаол жонкуяри Султонбой Рўзметовни тасвирга олдим. Вилоят маркази Туркистон шаҳридаги А. Навоий номли мактаб ҳовлисидаги каби ушбу ёдгорлик ўтмиш билан бугунни боғлаб турган маънавият ва иймон мезони каби таассурот қолдирди менда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.



Жетисай драма театри – Туркияда

Туркистон вилояти Маданият ва туризм бошқармасининг Қурманбек Жандарбеков номидаги Жетисай драма театри ижодий жамоаси Туркия пойтахти – Анқарага ижодий сафар билан борди.

Туркия Республикасининг 100 йиллиги, ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллиги, Жетисай драма театрининг 55 йиллиги ва Туркистон вилоятининг 5 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда қозоқ адаби Мухтар Ауезовнинг «Айман-Шолпан» мусиқали комедияси намоиш этилди.

Саҳнада Жарас ролини Қазибек Аюелбек ижро этди.

Ижодий гуруҳ Анқарага сафари давомида Туркиянинг тарихий ва маданий қадамжоларига таширф буюрди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Сағрон — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ — Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебей — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хушид ҚУЧҚОРОВА. +7-701-447-37-42. Сайрам — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90 Тулқибой — Мунира САЎДҲЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси — “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган бироқлиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҲОНБОВЕВ.	Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмади.	Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КЗЗ4УР00022503 гувоҳнома берилган. “ЕRNUK-print” МЧБ босямоҳонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22. Бўғим: 2921
	Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нуска.	Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТӨБЕВА.